

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 51 (10.356)

2005 ЙИЛ 16 МАРТ

ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ НАФАСИ

Ўлкамизда гўзал баҳорнинг майин шабадаси эсиб, бутун борлиқ яшилликка, гулу чечакларга бурканмоқда. Қаёққа қараманг ободонлаштириш, кўсаламзорлаштириш, дарахт экиш, покказалаш юмушлари авж олган.



19 МАРТ —

УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ

Ҳар йили анъанавий тарзда боқийлик ва эзгулик айёми — Наврўзи олам арафасида республикада Умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади. Унда қорхона, ташкилот, ўқув муассасалари ва маҳалла аҳли бажонида қатнашиб, тевақаратрофни ораста ҳолга келтирадilar, дарахтларнинг тағлари юмшатилиб, қуриб қолганлари олиб ташланади, ариқ ва зовурлар тазаланади.

— Туманимиздаги 50 та маҳалланинг ҳар бирида Наврўз байрамини муносиб кутиб олиш учун қизгин тайёргарлик кетмоқда, — дейди биз билан суҳбатда «Маҳалла» жамоаси Юнусобод туман бўлимининг раиси Равшан Гулмирзаев. — Умумхалқ ҳашари кун туманимиздан 180.000 дан ортиқ кишининг қатнашиши кутилмоқда. Шу кун 1000 дан ортиқ арча кўчати, 32.000 тул терак, 12.000 та мевали дарахт, 1000 дан ортиқ гул кўчатларини ўтказамиз. 120 километрдан ортиқ канал, ариқ ва зовурлар тазаланади. Асосан тумандан ўтган Халқ йўлининг икки томонига терак кўчатларини экишни режаланганимиз. Шунини мамнуният билан айтишим мумкинки, «Орасталлик — туман бойлик» нақлига амал қилган маҳалладорлар ҳашарини кутиб ўтирмай, аллақачон ишни бошлаб юборишган. Улар ўз худудларидаги кўча,

йўлак, ариқ ва зовурларни тозалаш, дарахт ва буталарга шакл бериб, тагини юмшатиб, оқлаб баҳорга, яратиш ва яшнатish айёмига пешвоз чиқмоқдалар. Қувончлиси шундаки биз ушбу байрам арафасида «Оқтепа» ва «Боғишамол» маҳаллаларида чиройли ва ширин гузарнинг очилиш маросимини ўтказамиз.

— Ёшларимизнинг ғайратшижоат билан бажараётган барча баҳорий юмушлари катта ю-кичиқка жуда маъқул бўлмоқда, — дейди «Қамолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлимининг матбуот гуруҳи раҳбари Отабек Эшматов. — Умумхалқ ҳашарида ҳам 29 та олий ўқув юртлири, 120 дан ортиқ академик лицей, касб-хунар коллежлари, 300 дан ортиқ мактабларнинг талаба-ёшлари бажонида иштирок этадилар. Улар аввало ўзлари таълим олаётган ўқув масканини, кейин эса шаҳримиздаги энг катта кўча ва хиёбонларни ораста, тоза ҳолга келтириш юмушларини бажарадилар, ариқ ва зовурлар чинқидилардан тазаланади, 1000 дан ортиқ мевали ва манзарали дарахтлар, 6000 тулдан ортиқ гул кўчатлари ўтказилади. Ниятимиз боқийлик ва эзгулик айёми — Наврўз байрамининг ёшларга хос жүшқинлик, кўтаринкилик, қувонч билан қарши олиш.

Шоира МУХАМЕДОВА

ПРЕЗИДЕНТ СЛОВЕНИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 март кун расмий ташриф билан Словения Республикасига жўнаб кетди.

— Словения Европадаги иқтисодий имкониятларга эга мамлакатлардан бири, — деди давлатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида. — Словения иқтисодий ва сиёсий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириб бормоқда. 2004 йил мамлакатнинг ялпи ички маҳсулот ҳажми тахминан 28 миллиард АҚШ долларига етган.

Ислам Каримов Ўзбекистон Европа давлатлари, хусусан, Словения билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфатдор эканини таъкидлади. Словения яқинда НАТОга қабул қилинди, Европа Иттифоқининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. У иқтисодий фаолиятини янада кенгайтириш, Европа бозори имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон Словения билан фан-таълим, тўқимачилик, фармацевтика, пахтани қайта ишлаш, электроника каби соҳаларда ҳамкорликни самарали йўлга қўйиши мумкин. Ўзаро савдо-қўрсаткичи алоқаларни ривожлантириш учун ҳам имкониятлар етарли.

Ташриф чоғида икки томонлама қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган. Улар мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга қаратилган.

(ЎЗА)

Ўзбекистон — Германия: МОЛИЯВИЙ ВА ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ

Бонн шаҳрида 2005—2006 йилларда молиявий ҳамда техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон ва Германия ҳуқуқматлараро музокаралар бўлиб ўтди. Мамлакатимиз делегациясига Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисининг ўринбосари Ш.АБДУЛЛАЕВА раҳбарлик қилди.

Мезбон мамлакат делегацияси раҳбари — Германия Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш федерал вазирлигининг Жанубий ва Шарқий Европа, Осиё ва Африқонистон масалалари бўйича муктор вакили Р.Гёрделер тадбир чоғида Ўзбекистон Германиянинг Марказий Осиё минтақасидаги устувор шерикларидан бири ҳамда ўз мамлакатининг федерал ҳуқуқмати Ўзбекистон билан молиявий ва техникавий ҳамкорлик доирасидаги алоқаларни ривожлантириш ниятида эканлигини таъкидлади. У Германия томонининг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларга берган юксак баҳосини изҳор этди.

Музокаралар чоғида икки томонлама молиявий ва техникавий ҳамкорликнинг мавжуд ҳола-

ти ва истиқболлари муҳокама этилиши баробарида 2005-2006 йиллардаги ҳамкорликнинг қўламли ярасидан ўзаро келишувга эришилди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон делегацияси аъзолари қатор маҳаллий ва халқаро ташкилотларда ҳам бўлиб, учрашув ва музокаралар ўтказдилар. Жумладан, Чўланишга қарши кураш бўйича БМТ Конвенциясининг ижрочи котиби Г.Калберматтен билан учрашув доирасида Марказий Осиёда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш мавзусига бағишланган лойиҳанинг тақдими ҳам бўлиб ўтди. Мулоқот пайтида Оролбўйи худудидagi аҳолининг яшилланиш борасида биргаликдаги сай-ҳаракатлар қўламини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

“Жаҳон” АА

ПОЙТАХТНИНГ Бир Кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САНГАРАС

● **КЕЧА** 96-мактабда 8, 11-синфлар ўқувчи-қизлари ўртасида ўтказилган «Балли, қизлар» қўриқ-танлови «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши томонидан уюштирилди.

● **НИЗОМИЙ** номидаги Тошкент Давлат университетидида БУГУН тарих факультети талабалари иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Гиёвандлик—умр заволи» деб номланди.

● **НАВРЎЗ** байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида 30-Меҳрибонлик уйида ўш кун давомида уюштирилган ҳашар КЕЧА якунига етди.

● **КЎСАЛАМЗОРЛАШТИРИШ** ва ободонлаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшиб, Наврўз айёминини шоду хурамлиқ билан кутиб олиш мақсадида Тошкент Давлат техника университетидида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти томонидан уюштирилган

экологик ҳашар давом этмоқда.

● **ЎЗБЕКИСТОН** телевидениесининг «Тошкент» телеканали ташаббуси билан ёшлар орасида эълон қилинган «Тўрт қарра йўқ» акциясини кенг тарғиб қилиш, нафосат айёми — Наврўзни муносиб қаршилаш мақсадида Халқлар дўстлиги саройида концерт дастури уюштирилди.

● **БУГУН** Муқимий номидаги Ўзбек давлат музыкали драма театрида санъат илҳосмандлари «Бахтли бўл, дугонажон» спектаклини томоша қилишади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

XXI саҳоси Хаср

Барча мавбалардан
олинган сўғити хабарлар

Мамлакатимизда

● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида ўтган йиғилиш Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўришига ва уни кўтаринки руҳда ўтказишга бағишланди.

● Кеча Тошкентда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ташаббуси билан «Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш демократик жамиятнинг муҳим омиллари» мавзусида амалий конференция бўлиб ўтди.

● Тошкентдаги Ўзбек Миллий академик драма театрида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамоаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ҳаваскор театр жамоаларининг республика фестивали бошланди.

● Навоий шаҳридаги «Қизилқумцемент» акциядорлик жамияти Наврўз байрами арафасида ўз маблаг ҳисобига қурилган иккита етти қаватли турар жойини фойдаланишга топширди.

● Ўзбекистон энгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари қасаба уюмаси қурултойи бўлиб ўтди.

● Фарғона вилоятида Сихатсаломатлик йилга бағишланган болалар ўртасида югуриш бўйича вилоят марафони ўтказилди.

● Анна Ахматова номидаги жамоатчилик музейида улуг шоирлар Борис Пастернак ва Райнел Рильке ижодига бағишланган мусиқали кеча бўлиб ўтди.

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан Рамаллоҳда Фаластин етакчиси Маҳмуд Аббос билан учрашди.

● АҚШ Давлат котиби Кондолиза Райс 2008 йилда ўтказилган президентлик сайловида ўз номзодини қўймаслигини билдирди.

● Угандада жангари гуруҳлар қўлидаги 150 га яқин асир болалар озод этилди.

● Америка Қўшма Штатларида дзюдо бўйича ўтказилган «Нью-Йорк опен» очиқ чемпионатидида ўзбекистонлик яккакураш усталари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритдилар.

● Бутунжаҳон ёввойи табиат фонди (WWF) ҳавонинг глобал тарзда исини сабабли Ҳимолдайдagi музликларнинг тез эриётганини билдирди. Мутахассисларнинг фикрича, бу Ҳиндистон, Непал ва Хитойда сув тошқинларига олиб келиши мумкин.

«Камолот»

хабарлари

**ТУМАНДА
ҲАШАР
ЎТКАЗИЛДИ**

«Камолот» ЁИХ Сергели туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Ўзгариш» номли маҳаллада «Ҳашар» акцияси уюштирилди.

Туман экология, экосан, меҳнат ва матбуот сардорлари ҳамда 322-мактаб ўқувчилари билан биргаликда ўтказилган ушбу акцияда ёшлар икки гуруҳга бўлинишди. Алоҳида участкага ажратилган ҳудудда ҳар бир гуруҳ ўша ҳудудни тоза, озода қилишни ўз зиммасига олди.

— Ушбу ҳашар акциясида гуруҳлар ўзларига тегишли ҳудудларни нафақат тозалашга, балки кўкаламзорлаштиришга ҳам бор кучларини аямасди, — дейди бўмладан туман экология бўлими сардори Алишер Усмонов. — Бу каби ҳашар акцияларини туманимизда кўпга ўтказилиши режалаштирилган.

Ҳашар тадбири сўнггида яхши, намунали иш кўрсатган гуруҳларга ва гуруҳ вакиллари «Камолот»нинг эсдалик совғалари тақдим этилди.

**ТАЛАБАЛИК
БАҲОРИ**

«Камолот» ЁИХ Яққасарой туман бўлими Кенгаши томонидан ҳудуддаги олий ўқув юртлири талабалари ўртасида «Талабалик баҳори» деб номланган байрам тадбири уюштирилди.

Тошкент санъат институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент давлат хореография олий мактаби ҳамда Тошкент давлат педагогика университети талабалари иштирокида ўтказилган ушбу байрам тадбирида талаба-ёшлар ўзларининг бадий чиқишлари, сахна кўринишлари, талабаликни тараннум этувчи куй-кўшиқлари билан йиғилганларда катта таассурот қолдиришди.

Тадбир давомида «Энг яхши сахна кўриниши», «Энг яхши рақс», «Энг яхши кўшиқ» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди ва уларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимининг совғалари тақдим этилди.

Озода РАҲМАТОВА

Таълим


ЯНГИ МАРКАЗ

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хорижий филология факультетида грек маданияти маркази очилди.

Мақсур факультетда Грециянинг нуфузли университетларидан келган ўқитувчилар талабаларга грек тили ва маданияти бўйича сабақ бераётир. Миллий университетнинг ўнлаб ўқитувчи ва талабалари Грециянинг етакчи олий ўқув юртиларида малака ошириб кайтмоқда. Замонавий компьютер, ўқув қўлланмалари ва адабиётлар билан жиҳозланган янги марказ талабаларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

ЎЗА

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги давом этмоқда



Сарамжон-саришталик, кўкаламзорлаштириш, тозалик фасли ҳисобланган кўклам нафасидан жамик мавжудот оёққа турмоқда, наботот олами қайтадан яшармоқда, янги куртаклар кўз очмоқда.

Юртимизнинг ҳар бир гўшасига баҳор меҳмон бўлганлигини юрдошларимизнинг юмушларидан ҳам илғаб олиш қийин эмас. Шаҳримизнинг Акмал Икромов тумани аҳолиси ҳам айна пайтларда баҳорий юмушлар билан банд.

**ЯНГИЛАНИШ АЙЁМИГА
ТАРАДДУД**

Туманнинг Тошкент кичик Ҳалқа йўли, Ҳалқа автомобиль йўли, Фарход, Маннон Уйғур, Луғфий номли катта кўчаларидан ўтиб борар эканмиз, бу ердаги олиб борилаётган ободонлаштириш ишларини кўриб кўзимиз қувнади. Кўча бўйларига янги терак новдалари, манзарали дарахт кўчатлари ўтказилиши биринчи навбатда атроф-муҳит мусофоллигини таъминласа, кейинчалик йиллар ўтиб, бу дарахтларнинг кўркам кўриниши кўпчиликини хушнуд этиши табиий.

Туман ҳудудига жойлашган «Тошкент-сут», «Осиё-фуд» акциядорлик жамиятлари, 2-автомобил, 2-трамвай депоси ҳамда «Шайхонтоҳур-текстиль» кўшма корхонаси ходимлари ҳам айна пайтда ўз ҳудудларини кўкаламзорлаштириш мақсадида катта гул тувакларга кўп йиллик гуллар экиб, корхона атрофига янги кўчатлар ўтказишмоқда.

Юқоридаги ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида туман ободонлаштириш бўлими раҳбари Зоир Аҳоровга юзландик:

— Туманимизда кўкаламзорлаштирилган майдонларни кўпайтириш, терак ва бошқа манзарали дарахтлар билан бойитиш мақсадида ҳар йил баҳор фаслида ишчиларимиз кенг кўламадаги ободонлаштириш ишларини амалга ошириб келишмоқда, — дейди у. — Бу йил эса туман ҳудудига 6555 та мевали, 7991 та манзарали, 2101 та терак кўчатлари ўтказилди. Шунингдек, таъкидлаб ўтиш керакки, бу ишларда бизга туман халқ таълими бўлими яқиндан ёрдам бериб келимоқда. Шунингдек, туман табиий бирлашмаси, маҳаллалар, ташкилотлар ҳам ўз ёрдамларини аямасди.

Туманимиз ҳудудига шунингдек, 6330 та кўп йиллик, 9800 та бир йиллик гуллар ҳам экилди.

Айниқса 251, 4-мактаб атрофлари ҳамда 492, 505-боғча майдонларига энг кўп ана шундай бир йиллик ва кўп йиллик гуллар экилди. Ободонлаштириш ишларида айна дамда Абдулла Қодирий, «Уриқзор», «Мустиқлик», Журжоний маҳаллалари фаол иштирок этишмоқда.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигида дарахт ва гул кўчатлари ўтказишдан ташқари туман ҳудуддаги барча ирригация тизими, ариқ-зовурлар шахар сув ҳўжалиги



бошқармаси томонидан қайтадан тозаланади. Шаҳримизнинг бошқа туманларида ҳам ҳозирда ана шундай ишлар амалга оширилмоқда.

Ойгул РАҲИМОВА.

Партия ташкилотларида

ҚўШМА ЙИГИЛИШ

Яқинда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ихроия бюроси ва депутатлар — Халқ демократик партияси аъзоларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар Кенгашида депутатлик партия гуруҳи ташкил этилгани таъкидланиб, депутатлик гуруҳи ва ХДП Тошкент шаҳар Кенгашининг ҳамкорликдаги чоратadbirlari режаси тасдиқланди.

Тадбирда сўзга чиққан де-

путатлар Г.Ахунова, С.Герасимова, Д.Махмудова, А.Мелкумов ва А.Закиров. УшХДП шахар Кенгаши ва партия депутатлик гуруҳининг ўз сиёсий нуқтаи назарини сиёсий кўчларнинг сўл қаноти сифатида намоён этган ҳолда меҳнат ахли манфаатларини ифода-

лаш ва ҳимоя этиш йўлидаги ҳаракатлари хусусида тўхталиб ўтишди.

Йиғилиш қатнашчилари ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги долзарб масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришди. Шунингдек, халқ депутатлари шаҳар Кен-

гаши ҳамда партия ташкилоти ишини ташкил этиш бўйича тактифлар киритилди.

Иқтисодиёт ва бизнес мутахассислари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти директори, иқтисодиёт фанлари доктори Г.Ахунова ХДП депутатлик гуруҳи раиси этиб тайинланди.

Йиғилишда шаҳар ва туман Кенгашлари аъзолари, йирик бошланғич ташкилотлар котиблари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Ильмира ШАРАФУТДИНОВА

Туманларда

**СОЛИҚЛАР —
ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ**

Яққасарой тумани Давлат солиқ инспекцияси жамоаси 2005 йилнинг ўтган даврини яхши натижалар билан яқунлашди. Улар бюджетга ундирилиши лозим бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўлалигича Давлат хазинасига келиб тушишида барча белгиланган кўрсаткичларни доимий равишда удалаб келишмоқда.

— Биз тўловларни ундиришда асосий эътиборни ҳукуматимиз томонидан янги қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни нафақат солиқ тўловчилар, балки кенг омма орасида тарғиб қилишга қаратаёلمиз. Туманимиздаги 20 та маҳалла ва мавжуд корхона-ташкilotларга инспекцияимизнинг масъул шахслари чиқишиб бевосита тушунтириш-суҳбатлар ўтқа-

зиб келишяпти, — дейди туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Шавкат Собиров. — Бундан ташқари айна пайтда ҳудудимизда 5 та солиқ таянч пунктлари фаолият кўрсатиб, солиқ йиғимларини ундириш билан биргаликда тадбиркор ва фуқароларни қизиктирган масалаларга жавоб беришмоқда. Бу эса ўзининг ижобий натижасини бераётир.

(Ўз мухбиримиз)

Алоқа

МИЖОЗЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали ва унинг ахборот-ҳисоблаш маркази тармоқда замонавий телекоммуникация технологияларини қўллаш борасида бой тажриба орттирди. Бутун шаҳарни қамраб оладиган кучли, тезкор маълумотлар узатиш тармоғи ҳам юзага келди.

Шу жараёнда миждозлар интернетга юқори тезликда кириш имкониятига ҳам эга бўладилар.

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалида яна бир муҳим янгилик амалга оширилди. Миждозларга «ИП» телефон хизмати

йўлга қўйилди. Шу мақсадда 5,10,20 минг сўмлик универсал хариталар тайёрланди. Бу хил хариталардан сўзлашув ҳамда Интернет тармоғига киришда фойдаланилади.

Акбар АЛИЕВ

Биз авлодларимиз давомчилари бўлмиш фарзандларимизни ёшлик чоғиданоқ Ватанга муҳаббат, элга садоқат соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбияласак, албатта, улардан келгусида бўлгуси келажақ бунёдкорлари етишиб чиқади.

Ўсқув тасқаниларида

КўЧ — ДўСТЛИКДА

Бу борада олий ўқув юртлири, коллеж ва лицейларда олиб борилаётган таълим-тарбиянинг пишиқ-пухталиғи катта аҳамиятга эга. Хусусан Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Акмал Икромов академик лицейида олиб борилаётган юмушлар, ўтказилаётган тадбир ва анжуманлар ҳам айнан юқоридаги мақсадлар йўлидадир. Ушбу билим даргоҳида яқинда бўлиб ўтган «Кўч — дўстликда» деб номланган тадбир ҳам фикримизнинг ёрқин далили бўла олади.

Бутун ер юзасидаги инсонларнинг ягона тилаги бўлган ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка бағишлаб ўтказилган ушбу тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари, ўқитувчи ва ўқувчилар, турли ташкилот ва корхоналардан келган меҳмонлар иштирок этдилар.

Тадбирда юртимиздаги тинчликнинг қадрига етиш, уруш даҳшатларининг юракда қолган бир умрлик асоратлари, халқлар ўртасидаги бағрикенглик ва тотувлик мавзуларида сўз юритилди. Лицей директори Ж.Хасанов тинчлик акциясининг аҳамияти, элу юрт тинчлиги учун урушда жонини фидо қилган инсонлар номи ҳеч қачон унутилмаслиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, анжуманда академик лицейнинг хорижий тилларни ўргатишга ихтисослашганлиги, турли миллат фарзандларининг аҳил-иноқликда таълим олаётганлиги ҳам айтиб ўтилди. Ўқувчи-талабаларнинг тўққиз тилдаги чиқишлари эса тадбирга янада файз бағишлади.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Транспорт

**ЗАМОНАВИЙ
ТЕХНИКА
АСОСИДА**

Бугунги кунда ўзининг мустақкам моддий-техника негизига эга бўлган автосаройлар кўп. «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компаниясининг 8-автобус саройи ҳам ана шундай илғор корхоналардан бири саналади.

Бу ерда янги ёқилғимой куйиш шохобчасининг бунёд этилиши ҳайдовчиларга катта қулайлик туғдирди. Замонавий техника асосида қурилган бу шохобча жаҳон андозлари талаблари бўйича юзага келган энг яхши иншоот деб баҳоланди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, шохобча ўзининг спорт майдончасига ҳам эга бўлди. Унда транспортчилар спортнинг волейбол ва баскетбол турлари билан шуғулланишлари мумкин.

**САРОЙДА
МЎЪЖАЗ
УСТАХОНА**

Аҳолига намунави транспорт хизмати кўрсатишда «Мерседес-Бенц» русумли автобуслар муҳим ўрин тутмоқда. Шаҳримиздаги «18-автобус саройи» очик акциядорлик жамияти ҳам бундай шиная қулай транспорт воситаларига эга.

Уларга сифатли сервис хизмати кўрсатишни корхонанинг ўзида ташкил этиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Ўзаро келишувга биноан саройда шу яқин орада «Мерседес-Бенц»ларга ихтисослашган техник хизмат кўрсатиш устaxonаси очилди. Уни зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш тadbирлари ҳам кўриб қўйилди.

**ҲАМКОРЛИККА
ЎН ЙИЛ**

Бундан ўн йил муқаддам Германиядаги «Эво Бус Гмбх» фирмаси Тошкент автомобиль йўллари институти билан ҳамкорлик алоқасини йўлга қўйган эди.

Ўзининг «Мерседес-Бенц» русумли автобуслари билан яхши танилган бу фирма мутахассислари олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари билан бамаслаҳат иш юритиб, ўз транспортни конструкцияси билан боғлиқ техникавий янгиликларни оммалаштиришга эришиб келмоқда.

Шу сана муносабати билан институтда республикамизга келган немис фирмаси делегацияси билан учрашув ўтказилди. Унда навбатдаги ҳамкорлик алоқалари ҳақида ҳам келишиб олинди.

Анвар ВАЛИЕВ

— Бугун дунёда глобаллашув жараёни кечмоқда ва мамлакатимиз ундан четда эмас. Шундай бир пайтда диннинг жамиятдаги ўрни қандай бўлиши керак?

— Глобаллашув жараёни ҳаётнинг барча соҳаларини, жумладан, маданий соҳани ҳам қамраб олмақда. Бунинг ижобий томонлари билан бирга, салбий оқибатлари ҳам йўқ эмас. Масалан, оддий тиш пастасининг рекламаси учун ҳам беҳаё сахналардан фойдаланиш ва бундай роликларнинг айрим каналларда дам-бадам тақдорланиб туриши шарқона кадрятларга, ислом қадриятлари ва тушунчаларига, ана шу тушунчалар асосида тарбияланиб келаётган халқимизга, айниқса, ёшларимизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Энг ёмони, бундай ҳолат мутаассиблик гоъларини тарқатаётган гуруҳларга «Мана сиз эргашаётган демократия. Турмуш тарзингизга кириб келаётган маданият фарзандларингизга нимани ўргатмоқда», дейишлари учун қўл келмоқда.

Хўш, шундай шароитда диннинг ўрни қандай бўлиши керак? Диннинг вазифаси одамларда инсоний фазилатларни тарбиялашдан, маърифат тарқатишдан, ёмон ишлардан қайтаришдан иборат.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунларданқо давлатимиз раҳбари маънавият соҳасига, жумладан, динга катта эътибор қаратиб келмоқда. Мустақиллик йилларида ислом дини илмига улкан хисса қўшган буюк юртдошларимиз Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом ал-Мотурудий каби алломаларимиз хотираларини тиклаш, уларнинг илмий меросини ўрганиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Конституциямизда фуқароларнинг истаган динига эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмаслиги, диний таълим олиши ҳуқуқий жиҳатдан қафолатланган.

Мамлакатимизда ҳамжиҳатликни, тинчлик ва бағрикенгликни таъминлашга икки мингдан ортиқ диний ташкилот ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Ибодат қилиш, рўза тутиш; муқаддас жойларни зиёрат этиш учун барча имкониятлар яратилган.

Аммо четдан кириб келаётган, бизнинг миллий табиатимизга ёт, ҳатто зарарли таъсирлар — катталарга ҳурматсизлик, одоб-ахлоқ қоидаларини менсимаслик, беҳаёлик каби иллатлар, демократияни нотўғри талқин этиш айрим ёшларда худ-

бинликнинг кучайишига олиб келмоқда. Тўғри, ёшларимизда мустақил фикр, олға интилиш, ўзига ҳолик бўлиши лозим ва шарт. Лекин бу бошқаларни топташ, менсимаслик мумкин, дегани эмас. Динимиз манманликни, яъни кибрни қоралайди.

**ИНСОН ЭЪТИҚОДСИЗ,
ИЙМОНСИЗ ЯШАЙ
ОЛМАЙДИ**

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати кўшма мажлисидаги дастурий маърузасида мамлакатимизнинг бундан кейинги сиёсий, иқтисодий, маънавий, ижтимоий истиқболни аниқ белгилаб берди. Маърузада дин ва унинг жамиятдаги ўрни ҳақида ҳам сўз юритилди. ЎЗА мухбири Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Шоазим МИНОВАРОВ билан шу хусусда суҳбатлашди.

Қуръони карим ва ҳадиси шариф ўзгармасдир. Инсоният йигирманчи аср сўнгига мислсиз тараққиётга эришди. Бироқ шундай бир пайтда дин никобидеги терроризмнинг инсониятга хавф солаётгани ташвишлидир.

Афсуски, терроризм бизнинг асримизга келиб инсониятнинг умумий душманига айланди. Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузасида халқро терроризмга, диний экстремизмга қарши кураш дунё мамлакатларини бирлаштирадиган асосий омил бўлиб қолгани алоҳида таъкидланади. Давлатимиз раҳбари ушбу курашда маърифий исломга ёрдам бериш шу куннинг долзарб вазифаси эканини алоҳида уқтириб ўтди.

— Халқро терроризмнинг катта қисми муқаддас ислом дини никоби остида амалга оширилмоқда. Бунинг оқибатида мусулмонлардан кўриш кайфияти шаклланиб қолмаётганими?

— Афсуски, шундай. Бугунги диний экстремизм бундан 50-60 йил илгари диний экстремизм ва фундаментализмдан бир неча баробар хавфлидир. Чунки дин никоби остида ақидопарастлик гоълари билан қуролланган экстремизм гиёҳванд моддалар тарқатиши, қурол-яроғ савдоси, халқро терроризм билан қўшилиб кетди.

Ақидопарастлар диннинг асл қадриятлари билан ислом давлати тузиш, халифаликка қайтиш каби бетайин ва бебурд сиёсий мақсадларни қориштирамоқчи бўляпти.

Бугунги кунда одамлар терроризм

қандай бало эканини тушуниб етдила. Бинобарин, унинг ислом динига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини англади. Ислам динини никоб қилиб мафду ишларни амалга ошираётган бир гуруҳ мутаассиблар ер юзидеги бир миллиард уч юз миллиондан ортиқ мусулмоннинг дунёқарашини белгилай олмайди.

Диний экстремизм қандай кўринишда бўлмасин, қандай ном билан аталмасин, унинг асосий мақсади ҳоқимият теласига чиқиш. Ҳоқ у ислом пуританизми бўлсин, хоҳ бутун дунё мамлакатларини бирлаштириб, ягона халифалик ўрнатаман, деган хоҳмаёллар билан ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам қалғитиб юрган «хизбут таҳрир»чилар бўлсин — уларнинг ҳақиқий ислом динига заррача алоқаси йўқ.

Ақсинча, бундай ҳаракатлар ислом динига қарши ишляпти. Давлатимиз раҳбари Россиянинг «Независимая газета»си мухбирига берган интервьюсида «Мусулмончиликни террорчилик билан тенглаштириш, бен Ладени бутун ислом намояндаси деб кўрсатишга ўриниш ҳоллари ҳам учрайди. Бундай қараш ва талқинлар ислом дини ҳақида нотўғри тасаввур ўйғотади ва бутун дунёда унга нисбатан таҳликали муносабатни келтириб чиқаради», дейди. Бордию бугун қаердадир ислом динидан қўчиш кайфияти учраётган бўлса, бунга дин эмас, динни никоб қилиб олган экстремизм айбдордир. Улар ислом тарафдорлари эмас, ақсинча, ислом динининг душманларидир.

Ислам — маърифий дин. У нафса берилишни, мол-дунёга ҳирс қўйишни, риёкорликни, ёлғончиликни, гийбатни, такаббуриликни, манманликни, фаҳшни, ичкиликбозликни — қўйингки, онгли инсон ноҳож деб ҳисоблайдиган барча иллатларни қоралайди. Дунёвий жамият учун хос бўлган умумахлоқий меъёрлар динимизнинг ушбу қоидаларига ҳамохандир.

Миллий ўйғониш, ўзликни англаш каби маънавий-руҳий жараёни бозшимиздан кечираётган бир пайтда эзгулик туйғуларининг тўла шаклланиши, унинг тантана қилишига кўпроқ эҳтиёж сезяпти.

Эзгулик ва яхшиликнинг тақомилга етиши эса ўзимизга — қонимизда яшаётган миллий гурурнинг, бизга маънавий-руҳий қувват берадиган ўзлимизнинг қамолига, уни нечоғли асраб-авайлашимизга боғлиқ.

Буни барчамиз ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

ЎЗА мухбири
Воҳид ЛУҚМОНОВ
суҳбатлашди.

**ТАНЛОВ
ҒОЛИБЛАРИ
АНИҚ ЛАНДИ**

Шаҳримиздаги «Наврўз» савдо-ишлаб чиқариш мажмуасида Вазирилар Маҳкамасининг 2004 йил 30 сентябрдаги Фармойишига мувофиқ пазанда ва қандолатчиларнинг касб маҳоратини анадда ошириш, хизмат кўрсатиш маданиятини кўтариш мақсадида ошпазлар, қандолатчилар ва официантлар танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Якуний босқичда турли ҳудудларда голиб чиққан бир юз олти миш саккиз нафар энг иқтидорли соҳа ходимлари қатнашиб, галаба учун кураш олиб борди. Ҳақамлар хайъати томонидан ошпазлар, қандолатчилар ва официантларнинг касб маҳоратлари, билим-қўникмалари холис баҳоланганидан сўнг жамоалар баҳасида биринчи ўрин шаҳримиз командасига насиб этди. Умуман, танловда ҳамшаҳарларимизнинг аъло даражада иштироқ этганликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли. Жумладан, энг яхши ошпаз, энг яхши қандолатчи, энг яхши официант номинациялари бўйича биринчи ўринлар шаҳри-

миз жамоаси вакиллари Нуралӣ Мирзаев, Рустам Маждидов ҳамда Оксана Пастуховаларга насиб этди.

Танлов давомида энг яхши фирма таоми, энг яхши фирма қандолат маҳсулоти, ўзгача ва нафис тuzилган стол, ўзгача тайёрланган таом, ўзгача тайёрланган қандолат маҳсулоти каби номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланди.

Ҳам жамоавий, ҳам



шахсий йўналишлардаги голиб ва совриндорларга махсус кубоклар, эсдалик медаллари, дипломлар ва сертификатлар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: танловдан
лаъзалар.
Наталья Семёнова олган
суратлар.

Коммунал хўжалиги тавбузида

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

Биз таширф бюрган Чилонзор туманининг 19-мавзесидаги 63,64,65,66-уйлар "Дониёр уйи" уй-жой мулкдорлари ширкати тасарруфида экан. Уйлар олдида ширкат раиси Мохира Рўзимовани учратиб, куни кеча эълон қилинган уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳақидаги Қарор ҳақида сўз очдик.

— Биринчи навбатда, — дейди ширкат бошқаруви раиси Мохира Рўзимова, — Карорда туманлардаги битта уй-жой мулкдорлари ширкатига бирлаштирилган уйлар сонини қайта кўриб чиқиш ва мақбуллаштириш ҳақида ҳам гапирилгани мени қувонтирди. Чунки ширкатда уйлар ва сонини



қанча кам бўлса, уларнинг ҳолатини кўнгилдагидек сақлаш, яшовчиларнинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутиб, муаммоларга ечим топиш осонлашади. Айниқса, ушбу Карор асосида тузилган уй-жой мулкдорлари ширкатларининг уюшмаларига ширкатларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиши, уларнинг кадр ва раҳбарларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш ҳамда бир маромдаги фаолиятини таъминлашда давлат идоралари билан ҳамкорликда ишлаш вазифалари қўйилганлиги эътиборга лойиқ.

Ширкатни 2 йилдан буён бошқараётган бўлсам, аввало 208 та хонадон соҳибларидан ўз уй-жойларига эгаллик ҳиссини ошириш, масъулият ва талабчанлик хислатларини шакллантиришга интилим. Гапимнинг исботи сифатида шуни айтишим мумкинки, аҳоли билан келишган ҳолда ширкатимизга фаррош олинмаган, лекин уйларимиз атрофи, ён-веримиз доимо саранжом-саришта, болалар майдончамиздан эса болажонларнинг шўх-шодон кулгулари эшитилиб туради. Утган икки йил мобайнида уйлар ертўраларидаги сувлар тортиб олиниб, қувур, зад-вижка, вентилятор тўлиқ алмаштирилди, шунингдек, уйларнинг томлари қайтадан ёпилди ҳамда чакка ўттишининг олди олинди. Барча йўлақларга ойналар солинди, қулф-калитли темир эшиклар ўрнатдик, айни кунларда эса йўлақлар таъмирланмоқда.

Муаммо ва камчиликларга келсак, уларнинг катта-кичиги бўлмайди, менимча... Январь ойидан бери 65-уйнинг 2-йўлагиде лифт ишламаяпти. "Тошкентлифт" трестига ширкатимиз шартнома асосида пул маблағларини ўз муддатиде тўлиқ ўтказиб келаятганигига қарамай, аҳолига ноқулайлик туғдирилмоқда...

"Дилшод уйи" уй-жой мулкдорлари ширкати уйларини айланиб, кўнгилмиз хира тортиди. Мазкур ширкат тасарруфидаги 2 та 9 қаватли, 3 та 5 қаватли ҳамда 21 та 4 қаватли уйларда 1843 та хонадонлар бўлиб, уларда 3900 нафар фуқаролар истиқомат қилади. Ушбу бинолар кўрimsиз, қаровсиз ташлаб қўйилгандек эди. Айниқса, 4 қаватлиларининг аҳоли аянчи, ховлилари ўта тартибсиз, анчадан буён умуман сурпилмаган, яъни, уйлар олдида чиринган дарахт шох-шаббалари, ҳаттоки қуйган дарахт қолдиқлари, ахлат, ҳазонлар уюми ва ҳоказолар. Орқа тарафда эса ноконуний қурилмалар — гишт, бетон, темир, ёғоч каби қурилиш материаллари-дан пала-партиш, тартибсиз, ён-атрофга соя ташлаб, хонадонларга тўшадиган қуёш нуруларини тўсадиган даражада қурилган ноқулай айвонча, товуххонани эслатувчи ҳар хил бўёқларга дидсиз бўялган катакчалар умумий манзарани янада хунук кўрсатарди. Уй ёнидаги қўлбола ясалган ўриндиқда ўтирган яшовчиларни сўхбатга тортидик.

— Мен ушбу ширкатга қарашли 4-уй, 9-хонадонда 2 нафар фарзандларим билан 12 йилдан буён истиқомат қиламан, — дейди фуқаро Юлдаш Йўлдошева, — хонадонимиз 4-қаватда жойлашгани учун жуда хафа бўлиб кетаман, айниқса, ёгин-сочини мавсумда томдан чакка ўтади. Арз билан ширкатга қатнайвериб, тинкам қуриданда - қуриди, ширкатга умуман ишончим қолмаган. Қуруқ ваъдалардан жуда чарчадик, йўлақларимиз умуман таъмирланмаган, эшиклар ҳам йўқ ҳисоби, борлари ҳам умуман ёпилмайди, диспетчер оркали берган буюртмамиз афсуски

вақтида бажарилмайди...

— Ёгингарчилик бўлса, юрагимиз безиллайдиган бўлиб қолган, ўтган йилги кузги-қишки мавсумда аҳолимизни тасаввур қилиш қийин бўлмас керак, — дейди 4-уй, 10-хонадон соҳиби нафақажўр Фарид Нурмуҳамедов, — ширкатга бу йил бошидан пул тўламаяпман, чунки йиллар давомида уйнинг чоклари ёпилмайди, шу боис ҳам уйларимиз ҳатто ташки томондан қўқариб зах босганлиги шундоққина кўриниб турибди.

Қишда, баҳорда, кузда ҳам хонадонимиз совуқ бўлади, ҳатто могор ҳиди анқиб туради. Қиш мавсумида йиғилиш ўтказишни келишиб, барча хонадонлар аъзолари ширкат раҳбаридан қилинган ишлар, яъни йиғилган пул маблағларининг нималарга ишлатилиши ҳақида маълумот олиш мақсадида ҳисобот беришини сўраб 4 марта мурожаат қилдик. Лекин бирон марта Чори Эгамбердиев биз билан гаплашишни хоҳламади...

— 5-уйнинг 23-хонадониде яшайман, — деб сўхбатга қўшилди Эзрмуд Қодирова, — биринчи қаватда жойлашган хонадонимизнинг эшигини очиб киришимиз билан димоғимизга ноҳуш хид ўрилади. Чунки уйимизнинг ертўласини сув босиб ётади. Бунинг устига бир йилдан ортиқроқ вақтдан буён ҳар куни қанда бўлмай чирок ўчади. Томдан чакка ўттиши оқибатида 4-



қаватдан пастга, бизнинг хонадонгаче деворлар ювилиб тушади...

Хуллас, "Дилшод уйи" уй-жой мулкдорлари ширкати ишидан аҳоли норозилигини турлича баён этди. Лекин биз ҳам ўз навбатида ўша фуқароларга улар истиқомат қилаётган уйлар ўзларининг хусусий мулклари эканлигини, уни асраб авайлаш, ораста сақлаш, бинонинг муҳандислик анжомларига зарар етказмаслик мажбурияти мавжудлигидан кўа юмиб бўлмаслиги ҳақида тушунтиришга ҳаракат қилдик...

Туманнинг "Алгоритм" даҳаси, "Бўстон" маҳалласида ҳам бўлдиқ. "Бўстон-ал-Хоразмий-Альфа" уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли уйлар аҳолиси ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдиши.

— Киш бўйи роса қийналдик. 5 нафар оиламиз аъзоларидан 3 нафар фарзандларимиз ўқувчилар. Электр иситкичлар ёрдамида хоналарни иситиш ҳисобига ҳарқалай амаллаб баҳорга ҳам етиб олдик, — дейди 7-уй, 64-хонадон эгаси Васила Муродова. — Жўмрақдан ойналаб иссиқ сув ўрнига фақат совуқ сув оқиди, сантехникни буюртма бериб чакиртирсангиз вақтида келмайди, келганда ҳам ишни кўнгилдагидеи бажармаслиги ортиқча. Ширкат эса фақат пул талаб қилиш билан овора. Режага асосан, бир неча йил аввал уйимиз капитал таъмирланиши керак эди, афсуски, ҳар йили ширкат раҳбари Валентина Головкиннинг қатор баҳонаи сабабларини рўқач қилиб келиши оқибатида ҳалигача иш амалга ошмади. Утган ойда ниҳоят янги ширкат раҳбари сайланди. Энди умидимиз ундан...

Ха, яшовчилар умид қилмоқда. Лекин уларнинг умидлари рўвбга чиқини фақат ширкат раиси ва ходимларига эмас, балки мулк эгалари бўлган хонадон аҳлига, яъни ўзларига ҳам боғлиқлигини унутмасликлари лозим.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: Чилонзор тумани, **Муқимий кўчасидаги 164-уй, 27-хонадон** ("Катта Чарх-Қамолон" уй-жой мулкдорлари ширкати)даги мана бундай аянчи манзарани ширкат раҳбари қандай изохларкин? 19-мавзе, 39 "А" — уй ёнидаги ахлатлар ободонлатириш ва қўқаламзорлаштириш ойлиги давомида тозаланиб, олиб чиқиб кетилишига умид қилиш мумкинмикан?!

— Чиндан ҳам шундай, — дея сўхбатимизни бошлади «Сувсоз трести» давлат унитар корхонасининг сув тақсимоти масалалари бўйича директор ўринбосари Шерзод Зуфаров. — Ана шу носоз жўмрақдан оққан томчи сув бир кунда ўнлаб литр сувни исроф қилади. Эътиборсизлик туфайли бундай носоз жўмрақлар, оқизиб қўйилган сувлар анчагина. Аммо ҳисоблагичлар ўрнатилган хонадонларда эса сарфига яраша ҳақ тўлангандан кейин ана шундай ҳолатларга барҳам берилмоқда. Утказилган мониторингларда ҳам шу нарса яққол кўзга ташланмоқдаки, сарфига яраша ҳақ тўлаш, яъни ҳисоблагичлар ўрнатиш ҳар томонлама фойдали. Сувни беҳуда оқизиб қўймаганингиздан кейин қўни-қўшни, юқори қаватдаги хонадонлар ҳам сув етишмаслигидан азият чекишмайди, биронинг ҳисоби учун бошқа одамнинг ҳамёнига зиён етмайди.

— Маълумки, Республика Вазирлар Маққамасининг 2005 йил 11 февралдаги «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида замонавий ҳисобга олиш приборларини ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш дастури тўғрисида»ги қарориде ҳисоблаш ускуналарини ўрнатишни тугаллаш муддатлари кўрсатилган. Қарор ижросини таъминлаш борасида айни пайтда жамоа ўз олдига қандай вазифаларни қўйган?

— Юқоридеги қарор ижросини таъминлаш, кўрсатилаётган коммунал хизматларнинг ҳажми ва қийматини яқка тартибда ҳисобга олиш ва улар ҳақини ўз вақтида тўлаш механизмининг жорий этиши ва унга сўзсиз риоя этиш, коммунал хизматларни ишлаб чиқариш ва аҳолига коммунал хизматлар кўрсатишда замонавий ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш асосида коммунал хизмат кўрсатиш тизимини модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш мақсадида жорий йил 17 февралда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори чиқарилиб, унда пойтахтимизда совуқ сувни ҳисобга олиш приборларини ўрнатишни тугаллаш кўрсатилган.

Ҷиров — тежамкорликка гаров

САРФИГА ЯРАША

Сув — бебаҳо ҳасмат. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди. Аммо унинг юксак қадрини биламизу ҳаминша ҳам тежамкорликка эътибор қаратмаймиз. Ваҳоланки, сув исрофгарчилиги, ундан тежамсиз фойдаланиш ўзимизга қўни-қўшнимизга зарар. Жўмрагимизнинг носозлиги туфайли томчилаб оқиб турган сув бир кунда, бир ойда қанча-қанча оби ҳаётнинг исроф бўлишига сабаб эканлигини тасаввур қилиб кўрганмисиз? Ҳозирда сув ҳисоблагичлар ўрнатилган хонадон аҳли буни жуда ахши англайди ва носозликни тезда бартараф этишга киришади. Демак, ўрнатилаётган ҳисоблаш ускуналарини беҳудо бойлик қилишми тежамсиз, исрофгарчилигига йўл қўймаслиқда, энг муҳими, қадрига етишда гаров бўлмоқда.

Ана шу қарор асосида дастур ишлаб чиқилиб, унга кўра яқка тартибдаги хонадонларга 2007 йил 1 июлигача 80443 та, кўп қаватли уйлар хонадонларига 337238 та сув ҳисоблагичлар ўрнатиш режаланган. Қарор ижросини амалга ошириш учун корхонамизда махсус жадвал тайёрланди ва унга кўра жорий йилда 146894 та, 2006 йилда 177191 та, 2007 йилда эса 93596 та совуқ сув ҳисоблагичлар ўрнатиш белгиланди.

— Ҳозирда совуқ сув ҳисоблагичлари ўрнатишнинг аҳволи қандай?

— Айни пайтда хонадонларга ўрнатилаётган сув ҳисоблагичлар пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Тошкент-Пеннер» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилмоқда. Замонавий технологиялар ёрдамида маалакали мутахассислар томонидан тайёрланаётган совуқ сув ҳисоблаш ускуналарини хонадонларга ўрнатиш учун ҳам ушбу корхона билан ҳамкорликда ишлаймиз. Корхонамиз шартномага асосан қўшма корхонадан сув ҳисоблагичларни сотиб олади. Ўрнатиш ва аҳоли билан шартнома тузиш ишларини эса улар «Сувсоз» трести унитар корхонаси номидан беришилади. Шунингдек, сув ҳисоблагичлар ўрнатиш ишларида «Қосимжон давр» хусусий фирмаси ҳам иштирок этмоқда.

— Қўшма корхонанинг талаб этилаётган сув ҳисоблагич-

ларни ишлаб чиқариш ва ўрнатиб беришга қуввати етарлими? Яна қўпчиликни қизиқтираётган савол: сув ҳисоблагич нархи қанча туради, кафолат муддати қандай белгиланган?

— Албатта, етади. Ҳисоб-китобларга кўра бизга белгиланган муддатда ҳисоблагичларни ўрнатишни тугаллаш учун 15 миллиард сўм маблағ керак бўлади. Шунга кўра биз банклардан кредит олиш ҳисобига сув ўлчагичларни ўрнатишни қўзда тутганмиз. Энди нарх масаласига тўхталадиган бўлсак, «Тошкент-Пеннер»да ишлаб чиқарилаётган диаметри 15 миллиметр бўлган сув ўлчагичлар 15.250 сўм, 20 миллиметрлиги эса 16.800 сўм туради. Хонадонларга асосан диаметри 20 миллиметр бўлган ҳисоблагичлар ўрнатишмоқда. Уларни ўрнатишга кетадиган харажатларни қўшиб ҳисоблаганда, бир хонадонга сув ҳисоблагич ўрнатиш ўртача 33 минг сўмин ташкил этади. Ҳисоблагичларга 4 йил кафолат муддати белгиланган бўлиб, кам таъминланган оилаларга, нафақажўрларга ана шу кафолат муддатли мобайнида ойма-ой тўлаш учун шароит яратиб берилади. Қурб етган хонадон эгалари билан эса 2 йилга шартнома имзоланади. Бир йўла тўлаш имконияти бор истеъмолчилар талаби ҳам қондирилади.

— Албатта, сувнинг қадрига етишда ана шундай бебаҳо неъматининг етказиб бериш заҳматларини ҳам дилдан ҳис этмоқ керак...

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: ИСТИҚБОЛ ВА МУАММОЛАР

ВАҚТИДА ТЎЛАСАНГИЗ — СОВГА СИЗНИКИ

Ҳар биримиз истеъмолчимиз. Истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари баробарида мажбуриятлари ҳам бор, албатта. Ана шу мажбуриятларни дилдан ҳис этиб, ўз вақтида адо этган истеъмолчининг ҳам кўнгли хотиржам бўлади, ҳам намунали хизмат учун ҳисса қўшади.

Ана шундай мажбуриятлардан бири коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида адо этишдир. Пойтахтимиздаги «Сувсоз» трести давлат унитар корхонаси мажбуриятларини вақтида бажариб келаятган истеъмолчиларни рағбатлантириш ва тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида «Энг интизомли тўловчи» қимматбаҳо ютуқлар акциясини ўтказди. Ушбу акцияда совуқ сув ва оқова сув учун тўловларни 2004 йилнинг 31 декабригача тўлиқ адо этган барча абонентлар иштирок этишди.

Авалро ҳар бир туманда ком-пьютер оркали тўланган қвитан-

циялар ҳақида ахборотлар тўпла-ниши натижасида шу нарса аниқ-ландики, 164 мингта истеъмолчи 2005 йил 1 январгача сув ҳақини тўлаган. Шу боис ҳам улар ўз-ўзи-дан интизомли тўловчилар сифатида акцияда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Уларнинг орасидан гоилиларни эса махсус компьютер дастури асосида аниқланди.

— Шунинг билан таъкидлаш ўринлики, ушбу қимматбаҳо ютуқлар акцияси корхонамиз томонидан икки йилдан буён ўтказилиб, келинади, — дейди сув тақсимоти масалалари бўйича

уларни рағбатлантиришдан манфаатдоримиз. Энг муҳими эса, ўтган йилги акциямиздан кейин интизомли тўловчилар янада кўпайганини аққол сездик.


Бу йилги ўтказилган қимматбаҳо ютуқлар акциясида 351 нафар истеъмолчи голиб деб топилди. Улар корхона томонидан қўйилган 15 миллион сўмликдан зиёд ютуқларни қўлга киритишди. Ушбу ютуқлар орасида музлатгич, кир ювиш машинаси, телевизор, видеомагнитофон, дазвол ва бошқа совғалар, албатта истеъмолчиларни хушнуд этади.

Корхона жорий йил якунида яна ютуқлар тадбирини ўтказишни кўзда тутмоқда. Шу боис ҳам азият ҳамшаҳарлар, сув ҳақини вақтида тўласангиз — ютуқдан баҳра қўлайсиз. Бу сизнинг ишонч ва омадингизга боғлиқ.

Дилноза СОДИКОВА

Ҷиғоқ ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Албатта, кўп қаватли уйларда ўнлаб хонадон эгалари истиқомат қилади. Шу боис ҳам уйингиз ён-атрофида бирон нарса қилмоқчи бўлсангиз ана шу хонадон эгаларининг фикр-мулоҳазаларига асосий ўрин тутати. Миробод туманидаги А. Фитрат кўчасида жойлашган 40-йўнинг кираверилишидаги 1-қаватда яшовчи хонадон эгаси эса ўз билганича иш юритиб, машиналар кирадиган йўлга икки метр суриб панжара ўрнатиб олибди. «Омад — коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати эса буни кўриб қўрмасликка олаётгани кўриниб турибди. Ахир автомашиналар қайриладиган ушбу йўлак торлиги туфайли бахтсиз ҳодисалар юз бермаслигига ким кафо-



лат беради? (1-сурат). Худди шу кўчадаги 40-йў ховлисиде эса электр шити олдида кимдир келтириб қўйган темир-тераск йил давомида уйнинг хуснига доғ бўлмоқда. (2-сурат). Болаларини кўчага ўйнаш учун чиқарган эса оналар эса доимо хавотирда. Негаки, бола-болада, Ана шу темир-тераскининг устига чиқиб бирор нохушликни бошлаши ҳам ҳеч гап эмас...



АРИҚ ЭМАС, АХПАТХОНА

Абдурауф Фитрат кўчасининг «Тугруқхона» бекати олдидаги ушбу ахвол эса (3-сурат) ҳеч қачон ўнганмаяпти. Негаки, бир неча қадим нарида турган ахлат қутилариға эмас, балки шу ердан оқиб ўтадиган ариқ ёнига ахлат ташловчилар нафақат оқар сувни ифлослантирмоқда, балки ўз фарзандлари, қўни-қўшнилари соғлиқликларига ҳам зарар етказмоқда.

Шу ўринда бир савол туғилади: маҳалла фаоллари, мутасаддиҳар қайёққа қарашаяпти ёки кўриб кўрмасликка олишяпти?

Ҳақимжон Солиқов олган суратлар.

ТАРОЗИ ПАЛЛАСИ ТЕНГ БЎЛСА...

Шаҳримизнинг Мирзо Улўбек туманида бугунги кунда ширкатларга қарашли уйлар сонини 1306 та бўлиб, шунлардан 18 қаватлиси 8 та, 16 қаватлиси 2 та, 9 қаватлиси 115 тани ташкил қилади. Биргина туманининг «Баҳор айёми» ширкати 39 та уйни ўз ичига олган бўлиб, туманининг яна бир «Халол сервис» ширкати эса 15 дан ошиқ уйни ўзинга бирлаштирган. Ҳўш, шу ўринда савол туғилади. Яшовчиларда бирор бир муаммо туғилса, ширкат ходимлари қай бирга ўлгуришади? Ахир ушбу ширкатлар шунча уйни бошқариш масъуллигини олган экан, унинг ташвишлари ҳам уйлар сонидан 2

баробар кўплигини наҳотки ўйлаб кўришмаган бўлишса?

— 31-уй 45-хонадонда яшайман деб ўзини танитди Рўсвийа Мусаев. — Қўшдан зўрға чиқдик. Иссик сув қувурлари яроқсиз ахволга келганидан қишда уйларимиз совуқ бўлади. Йўлақларга кўриб турганиндек, ойналар ўрнатилмаган. Совуқ кунларда жудаям қийналдик. Отақлар билан гаплашиб, бошқа уйлар томон йўл олдик. Не кўз билан кўрайликки, 25-уйнинг пастки қисми ахлатхонага айланиб кетган. Хонадон эгалари билан гаплашдик мақсадида юқори қаватларда бўлдик. Уйнинг 9-қаватиде ҳам ахлат уюмлари. Яшовчилар 9-қаватдан тушавшга эришишгани ёки лифт ишламай қолганини у ёни бизга қоронку, аммо бу қаватта чиққан киши бу ерда одам

яшамаса керак, деган хулосага келиши аниқ ҳақиқат. — 41-хонадонда яшайман дейди Маълудда Дадаева. Очингани айтадиган бўлсам ширкат сантехникларидан норозииман. «Мендан кетганча, эгасига етгунча» қабилда иш қилишадими, аммо отининг калласидеи пул сўрашди. Йўлақларимиздаги қуйган чирколарни ҳар ҳафта яроқсизига алмаштириш учун яшовчилардан ўзимиз пул йўлагимиз, ўзимиз ўрнатимиз. Лифт бўлиб ҳам яшовчилардан пул йўласак, ертўла, томларга ҳам ўзимиз жон куйдирсак, нима учун яшовчилар ширкатга ҳар ой яна 4 минг 800 дан пул тўлашлари зарур? Ҳеч қачон уйимиз ертўласи қурилмаган, доимо сув билан тўлиб ётади. Уйимиз тағидеги ахлатни олиб ташлаш учун 2003 йилдан бери пул тўлаймиз. Аммо натижага йўқ. Ҳар йил ёнин-сочин даврида уйимиз томондан чакка оқиб ётади. Натижада лифт ишламай қолади. Агар хонадонларга кириб кўрсангиз, уйнинг олд томонлари яши таъмирланмаганидан хонадонларга нам ўтиб могорлаб кетаман. Уйимиз атрофидаги йўлақларда ҳеч қачон чирколар ўрнатилмаган. Энг қатта муаммомиз шундаки, уйимиз олдидаги «Ширин» бозорига қатта кўк машиналар қатнайди. Биз эса болаларимиздан хавотирдамиз. Яшовчиларнинг бу муаммоларини ширкат раисига билдирганимизда ширкат бошлиғи буни очик-ойдин тан олди.

Аммо қарс икки қўлдан, деган мақол бежизга айтилган. Ширкат ҳисобиде маблағ бўлса яшайми, аммо ҳозирда боқилганда қайфятда юрган хонадон эгалари ҳам борки, бу ҳам ширкатни орқага тортиши табиий. Бунга тумандаги «Баҳор айёми» ширкатида бўлганимизда яна бир бор амин бўлдиқ. Бу борада ширкатнинг янги раиси Тўлтемир Раҳимов шундай дейди:

— Айни пайтда яшовчиларнинг 7 миллион 400 миң сўмлик қарзлари бўлиб, 1528 та иш туман фуқаролик судида кўриб чиқилди. Шундан атига 10 фоизигина ундириб олиниди ҳолос. Биргина 30-уй, 7-хонадонда яшовчи Рафаэль Авагомовнинг ширкатдан 150 миң сўм қарзи бор. Ҳозирда ширкатимизда 39 та уй бўлса, бундай қарзорлар сонини кам деб ўйлайсизми. Ширкат эса шу маблағлар эвазига иш юриятди. Хулоса ўринда шуни айтиш мумкинки, тарозу икки палла оғирлиги тенг бўлгандагина чирколи кўринишга эга бўлади. Агар бир палласининг тоши оғирроқ келса, қий-шайтан ҳолат юзага келади...

Орзуғул РУСТАМОВА

Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўрганиб
Домо бўлур...**

Байт:
**Шошилмоқдан тийгин
доимо ўзни,
Истаганда айтсанг
бўлади сўзни!**

Чин фағфури сўз бўсто-
нидан гулдаста хозирлаб,
тухфа қилган ҳолда деди:
«Сўз қуши оғиз қафасида
экан, унинг ихтиёри менин-
нинг изимдадир. Бордию,
у тил ошёнасидан парвоз
қилса ҳеч қачон уни тутиб
бўлмайди». Байт:

**Куш қафасдан
учиб кетганда
ҳар дам,
Тутаман деб уни
тортмагин алам!**

Сўз келини сўзлашув
пардасидан ташқарига чиқ-
маган экан, тил машшота-
сининг ихтиёридадир.
Машшота уни хоҳласа баён
боғига олиб киради, хоҳласа
парда орқасида пинҳон
тута олади. Байт:

**Сўз келини жилва
қилмаган замон,
Соҳибнинг кўли
остида пинҳон.
Хохлаганда уни
баён қилади,
Хохлаганда яна
ниҳон қилади!**

● Вафоли одамнинг
дўстлиги ҳам самимий
бўлади.

● Ёшлиқда шундай иш
қилки, қариганингда фойда
берсин ва унинг беҳуда
ўтганидан афсус ема!

● Ёшлиқ мастлиги шароб
мастлигидан ортик.

● Ийғит ййғитдан ййқила-
ди, аммо таслим бўлмайди.

● Бир сандик олтиндан
бир зарра ақл яхши.

● Тинимсиз зиёратдан
малоллик туғилади.

● Йўлга чиқшдан аввал
йўлдош қидир.

● Хар куш ўз овозидан
шодланади.

● Байт:

**Яхшилар айбидан
кўз юмгин ҳар он,
Ҳасад кўзи билан
боқмагил зиён.**

**Ўз айбинг кўрмоққа
юз марта кўз оч,
Ўзгага бир бор ҳам
кўз очишдан қоч!**

● ХИКМАТ. Дўст уч гурух-
дир: дўст, дўстингни дўсти,
душманингни душмани.
Душман ҳам уч тоифадир:
душман, дўстингни душма-
ни, душманингни дўсти.
Байт:

**Душманиннга
душман бўлади
дўстинг,**

**Душманиннга ул
ҳам бўлади ағёр.**

**Душманиннга
дўстлик айласа
дўстинг.**

**Душмандир у
аканг бўлса ҳам
зинҳор!**

● Донолардан бири ай-
тади:
— Ёмон кишилар билан
улфат бўлишдан қочгин.
Одамнинг табиати ўғридир.
У яхши кишилар билан суҳ-
батдош бўлганда яхши хис-
латлардан баҳраманд
бўлгани каби, ёмон билан
улфат бўлганда ҳам улар-
дан озгина бўлса-да, ёмон
хислат ўғирлаб олади.

**Синди киш тўқиган муз
ҳисли қафас,
Мана яна қушлар
чугурлаб қолди,
Она нигоҳидай мулойим нафас,
Замину осмонни бағрига олди,
Демак, баҳор келди.**

Баҳорнинг фусункор тароватини, қал-
бга муҳаббат оловини муҳрлайдиган бу
олов сатрлар халқимизнинг назокатли
шоираси, «Бахтим шулки — Ўзбекининг
Зулфиясиман» дея лутф этган Зулфия-
хоним қаламига мансуб.

Не тонги, Зулфия опанинг ўзи ҳам
айнан баҳор айёмида таваллуд топган.
Бу йил севимли шоирамиз-
нинг 90 йиллиги юртимиз
узра кенг нишонланди. Гўё
оппоқ гул либосларига бур-
канган чаманзорларда ба-
ҳор, Наврўз нафасига уйқ-
аш ўзиям, сўзиям гўзал
Зулфия опанинг руҳи кезиб
юргандай туюлади.

— Аслида Наврўз тари-
хи исломгача мавжуд
бўлган узоқ мозийга бориб
тақалади, — дейди таниқли
олим, профессор Усмон
Қорабоев биз билан суҳбат-
да. — Буни қарангки, маз-
кур шодиёна туркий халқлар
қонига шу даражада сингиб
киргани боис, у ҳар қандай
мафкуравий тўсиқларни,
ғояларни енгиб ўтиб, бугун-
гача етиб келди. Демакки,
у мангу: заволга юз тутмас-
лиги эса равшандир.

Домланинг гапларида жон бор. Гарчи
мозийнавислар унинг ибтидосини қадим
пешдодийлар, шумерлар давлатлари
ҳукмронлигига тенг дея эътироф этиш-
са-да унинг илдизи, манзил-мақони она
тупроқ каби оқсоқ мозийнинг мангу сар-
чашмаларидан озуқа эмади. Шу маъно-
да академик шоиримиз Фафур Фулом-
нинг:

**Наврўзи бедана ўрганчик сайрар
Янгилаш — чучулларда
севги оҳанги,
Ёш ирмоқ соҳилга тилини қайрар
Кўёш нусхалидир
муҳаббат ранги.**

**Тонгтар уфқни лоладай йиртар
Тинмағур меҳнатинг
забардаст товши
Хар ерда ҳукмрон танги
ва лобар**

Омонлик замоннинг енгувчи иши.

— дея ашўор битишида ҳам ўзига ҳос-
лик мавжуд. Зотан, лобарлик ва зожи-
бадорлик васфи ўлароқ баҳор-у На-
врўзнинг фусункорлигига минг бир жил-
ва қўшиш баробарида унинг кўксидаги
жавоҳир янглиғ товланиб туради.

Мана, Беруний... Хоразмнинг алп
ўғли. Ўзининг машҳур «Сайдана»сида
сумалакнинг турфа шифобахшлигини
илк бора қайд этган аллома. Ўз замона-

сининг тирик қомуси бўлган бу ориф ин-
соннинг ақл машъали бугун ҳам ўзининг
қадр-у қимматини йўқотган эмас.

Ўзбегимнинг улуғлари кўп. Аммо,
шёр аҳли аро Ҳазрат Навоий эришган
чўққи шу даражада сарбаландки, ҳали ҳеч
қайси соҳиби қалам бу ашўор тоқига
қадам босолган эмас. Бунга эришмоқ ҳам
мушкулотларнинг зўри.

Ҳазрат бебаҳо Наврўзни шодон қарши
олаётган аҳли тантанага шундай лутф
қилганди:

**Хар тунинг қадр ўлибон,
Хар кунинг бўлсин Наврўз.
Бетакрор «Хамса» муаллифи муҳиб-**

**НАВРЎЗ КЕЛДИ
БИЗНИ СЎРОҚЛАБ...**

Юртимизга дов-дарахт-
ларни яшнатиб, замин узра
ўзининг алвон сепини ёй-
нича баҳор кириб келди.
Буни биз қушларнинг шўх
чугуридан, борлиқнинг сеҳр-
ли куй оғушида аллаланиб,
солланиб нозик чайқалиш-
ларидан, қаҳратон киш зах-
мидан кутулган кўнглиларнинг
бир-бирларига илиқ муноса-
батлари-ю, навозишларидан,
икки ёш қалбнинг муҳаббат
тафтидан ял-ял ёнаётган че-
раларидаги эҳтиросли табас-
сумларидан сезамиз.



ларига ҳар кечангиз худди «Лайлатул
қадр» тунидай муқаддас бўлсин дея-
пти. Илло, Қадр кечасида жаноб Пай-
ғамбаримиз Арши аълода сайру само
қилган эди. Иккинчи мисра ундан-
да жозиб. «Йлоҳим, ҳар кунинг мисоли
Наврўздек янги тилаклар, эзгу амаллар
билан бошлансин. Худди шу алфозда
фароғатли ўтсин...» Эсимни таниганим-
дан бери шу мисралар оғушида умгу-
заронлик қиламан. Мисралар қатиди
инжа маънилар қаршимда мисли дур-
дай тизилади. Камина уларнинг маҳо-
батидан лол қоламан.

... Бола эдик. Сўлим Қашқа воҳасини
адирлари кўклам нафасини туйиб се-
пини ёйган келинчақдай очилиб кетди. Хо-
тин-халаж, қиз-жувонлар дошқозон атро-
фида гиргиттон. Ҳадемай сумалак пиша-
ди. Унинг чинакам мазасини татийман
деган одам кўрсаткич бармоғини бир ти-
киб яласин-да... Водариг, Аллоҳнинг ка-
рами шунчалар кенги, шугина таомга
жаннат роҳатини бахшида этибди. Дар-
воқе, момолардан эшитганим бор: унинг
ўзи-да беҳишт таоми экан... Бироқ шўх
кулгулар бирдан тинди, қиз-жувонлар
қаҳ-қаҳаси ариди. Чилдирманинг шўх на-
волари тўхтади. Чопқилаб бордик. Не
қабохатики, давра ўртасида турган кўнгли
дунёси басир бир кимса эл ризқини
тўкиб юборганди... Бир кўлида ароқ ши-

шаси, оғзини ади кириб, бади чиқар-
ди... Аёли қон ййғлади. Элга таъзим-ла
бўзлаб кечиримлар сўради... Ҳеч ким
бир оғиз демади... Момолар қарганма-
ди, аёллар жирканмади... Аммо, бир йил
ўтмай ўша кимса чинакам телбага ай-
ланди... Нима деяётганини билмайди...
Соч-соқоллар афтода... Улигини эса эски
харобадан топишибди...

Кўпни кўрган отам, бу даҳшатли ҳолат-
ни шундай изоҳлади:

«Эл шундай уммонки, бир луқмадан
берса тўйдиради, яна шуни билгилки,
дунёдан халқдан ўзга куч йўқ — бир муш-
тдан урса ўлдиради. Тўғри, уни биров
чертмайди. Аммо у балога ги-
рифторм эди. Наврўз халқиники,
у жон қадар азиз, кўҳна, му-
қаддас! Уни топташга ҳеч ким-
нинг ҳаққи йўқ! Сумалак шу
қадар муқаррамки, уни тупроқ
билан баробар қилган инсон-
нинг умри муқаррар завол бил-
лан якун топади, болам!».

Одатда янги тушган келин-
нинг пойқадами ёқса, уни ал-
қайдилар. Ўзбегимнинг мар-
длиги, тантилиги, ҳалимлиги
ҳам шунда ана кўринилади. Халқ
ўзининг буй-бастини ана
шунда намоён қилади.

Ҳеч бир муболағасиз ай-
тиш лозимки, бу йилги баҳор,
Наврўзнинг ташрифи қутлуғ
келди. Ёгинлар сероб бўлди.
Бу элнинг вофирлигидан ни-
шон.

Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шоири Абдулла Орипов-
нинг мана бу сатрларида ҳам ўтаётган
умрнинг шуқуҳли соатлари-ю, баҳор-у
Наврўз таровати ҳам Ватан дея аталмиш
она юрт шўхрати олдида хира тортиши
бадий ифода топганлигига амин бўлиш
мумкин:

**Менинг Ўзбекистон —
дилбар Ватаним.
Фақат сен қалбимга
чўқтирмай малол.
Чарчаган руҳимга
илҳом солурсан.
Баҳор ҳам, умр ҳам
ўтар эҳтимол,
Фақат сен дунёда
мангу қолурсан.**

Дарҳақиқат, умр ўткнчи, дақиқалар
ганимат. Аммо инсон учун Ватан истиқ-
болни, миллийлигимизга мос урф-
одатларимиз ўзбегимнинг мангу қад-
риятлари сифатида асрлар давомида
яшаб қолаверадди. Наврўз эса кўклам
нафасини олиб кирадиган баҳор бай-
рами, инсонларни ўзаро дўст қилади-
ган ришта янглиғ абадийга дахлдор-
дир. Ҳа, ўлкамизга Наврўз келди. Бу
йил ҳам Наврўз бизни сўроқлаб кел-
ди. Соғиниб келди. Биз ҳам уни ин-
тиқлик билан кутгандик. Йлоҳим, бу
йилги Наврўзнинг қадами қутлуғ кел-
син!

Хидирали ПАНЖИЕВ

Кўрғазмалар

«БАҲОР ЛАҲЗАЛАРИ»

Халқаро «Маданият Карвон-Саройи»да Татьяна Лининг «Баҳор лаҳ-
залари» («Spring time») деб номланган шахсий кўрғазмаси давом эт-
моқда.

Кўрғазма очилишида сўзга чиққан-
лар Татьяна Лининг табиат манзараси-
ни хис этувчи, гулларни тасвирлашда
ўз услубига эга ажойиб истеъдод эга-
си эканлигини айтиб ўтишди. Кўрғаз-
мада рассомнинг 100 дан ортик асар-
лари намоиш этилмоқда. Асарларда
табиат манзаралари, қир-адирлар тур-
ли ёрқин рангларда ифодаланган.
Асарларнинг аксарияти баҳор мавзуси-
ни қамраб олган бўлиб, муаллиф
ижодининг турли қирраларини очиб
берган.

Татьяна Ли Ўзбекистон Бадий акаде-
мияси аъзоси, графика, рангтасвир,
стенография жанрларида ижод қила-
ди, кўпгина Республика, минтақавий ва
халқаро кўрғазмалари иштирокчиси-
дир. Жумладан, Жанубий Корея, Швей-
цария, Литва каби мамлакатларнинг ху-

сусий тўпламларида муаллифнинг
кўпгина асарлари сақланмоқда. Унинг
асарлари Ўзбекистон Миллий Банки
галереясида, Ўзбекистон Давлат санъ-
ат музейи, Бадий кўрғазмалар дирек-
цияси коллекцияларида мавжуд.

Янги очилган кўрғазма экспозици-
ясидан баҳор фасли нишонаси гуллар,
табиат манзаралари, жумладан, атир-
гуллар, ирислар, пион, лилия, лола-
қизғалдоқ каби гуллар тасвири, «Бог»,
«Жар ёқасидаги уй», «Ҳақиқатдаги
туш» мавзусидаги табиат манзаралари-
дан ташкил топган тўпламлар ўрин
олган.

**Юлдуз РИЗАЕВА
СУРАТЛАРДА: Кўрғазмадан
лаҳзалар.
Ҳақимжан Солихов
олган суратлар.**



Иёл қондаси —

қимр фойдаси

САЛОМАТЛИГИМИЗ
ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Темир йўл йўловчиларнинг узогини яқин қиладиган, шунингдек, юк ташиш хизматларини ҳам амалга оширадиган муҳим транспорт тармоғидир. Темир йўл бекатлари ва поездларда жамоат тартибини сақлаш, йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, темир йўл иншоотларида профилактик тадбирлар ўтказиш шу соҳа хизматчиларининг асосий вазифаларидан биридир. Шунга қарамай, юк ташиш поездлари темир йўлларида кўпроқ йўловчиларнинг эътиборсизлиги оқибатида бахтсиз ҳодисалар рўй бериш ҳоллари кузатилади.

Ана шундай бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида Тошкент транспорт ИИБ Тошкент — Товар бекати транспорт ички ишлар бўлими профилактика нозирлари томонидан ташвиқот-тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бўлим нозирлари томонидан темир йўл бекатлари атрофида жойлашган маҳаллалар, мактабларда "Ўз ўзингни асра", "Темир йўл ўзингизга эмас" мавзуда учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Афсуски, бир қанча амалий чоралар кўрилишига қарамай, айрим ҳолларда темир йўл ёқалари атрофида истиқомат қиладиган аҳоли орасида баъзи ноҳўй ҳаракатлар туфайли бахтсиз ҳодисалар рўй бермоқда. Улар орасида вояга етмаганларнинг борлиги ачинарли ҳолдир. Кузатув натижалари болалар йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларига риоя қилмаслиги ва ота-оналарнинг бепарволигидан далолат беради. Масалан, ўтган йил давомида рўй берган 12 та бахтсиз ҳодисанинг иккитасида ёш болалар жабрланиб, улардан бири кучли ток уриши туфайли вафот этди. Бу болалар темир йўл паркида турган вагонлар устига чиқиб, ток симларига нарса отиб ўйнашган. Шунингдек, Қўйлик-1 даҳасида яшовчи вояга етмаган Умид Соипов Ҳамза бекатида худди шундай воқеа туфайли ҳаётдан кўз юмди. Еки Салор — Яланғоч бекати темир йўли оралиғида Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчасида истиқомат қилувчи Дмитрий Гришников ўз айби туфайли поезд тагида қолди. Худди шу бекат оралиғида бахтсиз ҳодиса туфайли ўтган йилнинг июнь ойида фуқаро Шухрат Мухаммаджонов воқеа жойида ҳалок бўлди.

Бундай ноҳўй воқеаларнинг содир бўлмаслиги учун ҳар биримиз масъулмиз. Шундай экан, ота-оналар, маҳалла фаоллари, қолаверса, ҳамма-ҳаммамиз ўз-ўзини асраш учун йўл ҳаракати қондаларига амал қилишимиз, болаларга тушунтириш ишларини олиб боришимиз лозим.

Гулнора ПАРПИЕВА,
Тошкент-товар бекати
Транспорт ички
ишлар бўлими
профилактика нозир
капитан
Кахрамон
САИДМУРОДОВ,
катта лейтенант

Мунажжим башорати

САФАРЛАР ХАЙРЛИ

17 МАРТ, ПАЙШАНБА

Ой сайёраси бугун эгизаклар буржида бўлиб, сафарлар хайрли бўлади. Ички туйгуларингизга ишониб иш кўринг.

Авесто аънаси ҳар 17 март кунини йирик экологик муаммоларни ҳал этишга бағишлагани тавсия қилади. Яъни инсон қўли билан яратилган ҳамма нарсаларни табиат билан уйғун мувозанатга келтиришга ҳаракат қилиш керак бўлади. Табиатга зарар келтирадиган ҳар қандай қулайликлардан, нуфузли тadbирлардан воз кечиш даркор. Дунёда ҳамма нарса бир-бирига занжирдек боғлангани ва бирор бир ҳаракат исзис кетмаслигини ёдда тутинг.

Йирик харидлар ва муҳим тadbирлар-

ни кечиктириб турганингиз маъқул. Эрталаб янги ишларни бошлашдан наф йўқ, соат 15 дан кейин бирор-бир иш қилишингиз мумкин. Лекин бугун ҳеч нарса режалаштириб бўлмайди. Зеро, бугун уйлаб қўйган ёки режалаштириб қўйган ишларингиз амалга ошмай қолиши мумкин. Ўз-ўзидан юришиб кетадиган иш билан шугулланинг ва ўзингизни толиқтирманг.

Нафас йўллари заифлашган бўлиб, асаб тизими хасталиклари хуруж қилиши эҳтимоли бор.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

2005-2006 йилги иситиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида, 2005 йилнинг 5 дан 21 апрелигача Тошкент шаҳрида иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чекламаган ҳолда иссиқлик тармоқларининг механик чидамлилиқ ва зичлиқ (энг юқори босимда) синовлари ўтказилади.

5 АПРЕЛ КУНИ

1-ИМ — Буюк Ипак Йўли, акад. Ҳ.Абдуллаев, Раҳматуллин, Доғистон, Сайрам, Оққўрғон, Эргашев, Пушкин, Ф.Хўжаев, Мухитдинов кўчалари, Тошселимаш, Пушкин-Пишпек, Чизел, Пушкин-Салар, Г.Петров турар жой мавзелари.

8-ИМ — Сергели 1-8 а, Спутник-8, 15, 16, 17, Дўстлик-1, 2 турар жой мавзелари

6 АПРЕЛ КУНИ

1-ИМ — акад. Ҳ.Абдуллаев, Ж.Обидова, Раҳматуллин, Ф.Хўжаев, Муминов, Мухитдинов кўчалари, Яланғоч, Бўз-1 (Черданцев-1) турар жой мавзелари, ТашГРЭС кўрғони.

"Водник" қозонхонаси — Водник турар жой мавзеси, Ҳ.Бойқаро кўчаси.

7 АПРЕЛ КУНИ

6-ИМ — Қўйлик-1-7 турар жой мавзелари, Қўйлик-айланма халқа йўли, Мунис, Янги Замон, У.Олимбеков, Бехтерев, А.Фитрат кўчалари.

10-ИМ — Шифокорлар шаҳарчаси, Олимпия, Жарарик, Талабалар шаҳарчаси, Тансиқбоев-1,2,3, Қорақамиш-2/2, 2/3, 2/4, 2/5, ТошДУ — ТошТУ, Чимбой, Белтепа, Ибн Сино-1,2 турар жой мавзелари, Мирзо Фалиб, Мухбир, Чимбой, Фаробий, Беруний, Қамарнисо кўчалари.

11 АПРЕЛ КУНИ

ИЭМ — Ш.Рашидов шох кўчаси, Ц-7, Муқимий, Арнасой, Ш.Исломов, Асия, С.Мираҳмедов, Бобур, У.Носир, Чўпон ота, Афросиёб кўчалари, Чилонзор мавзеси 1,2,3,4,5,Е,И-дахалари.

12 АПРЕЛ КУНИ

2-ИМ — Ҳумоюн, Қорасув-1,2,3,4,6, Бўз-2(Черданцев-2), Феруза турар жой мавзелари, Геофизиклар кўрғони, Қодиров, Т.Малик, А.Матқобулов, Ш.Бурхонов, акад. Ҳ.Абдуллаев, Иркутский кўчалари.

7-ИМ — "Авиакорувчилар" шаҳарчаси худуди, Гўзал-1, II, III, IV, 1-УҚК,

Слоним-1,2 турар жой мавзелари, Слоним, Лисунов, Бирлашган, Элбек, Шолохов кўчалари.

13 АПРЕЛ КУНИ

ИЭМ — Бобур, Нукус, Афросиёб, Глинка, Локомотив, Лохутий, Ҳ.Умаров кўчалари, Бошлик, Қушбеги, "Учувчилар шаҳарчаси" турар жой мавзелари, Ц-1, Ц-2, Ц-4, Ц-5, Мовароуннахр, Т.Шевченко, А.Тўқай, Шаҳрисабз кўчалари.

14 АПРЕЛ КУНИ

9-ИМ — Чилонзор мавзеси 13дан 15гача, 21дан 24гача, 30,31-дахалари, Қизил Шарқ, Ал-Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч, Гулистон турар жой мавзелари, Ҳ.Турсунқулов, Раҳимбобоев, Ширин, Лутфий кўчалари.

18 АПРЕЛ КУНИ

4-ИМ — Ц-12,13,15, Ц-17,18 (Себзор), Қорақамиш-1/1, 1/2, 1/3, 1/4, Тахтапул турар жой мавзелари, А.Қодирий, Хуршид, Шамсутдинов, А.Хидоятлов, Ҳасанов, Ф.Фулум, Бобожонов, А.Темур, Х.Асомов, Эргашев, Г.Мавлонов, Муртазоев, Ж.Обидова, Бодомзор, Шаҳристон, А.Зокиров, Ҳ.Олимжон, Пушкин, Ц-5,6 кўчалари, Ҳ.Олимжон шох кўчаси.

19 АПРЕЛ КУНИ

5-ИМ — Чилонзор мавзеси 6-12, Ц, Г19А, 16-20А, 26-дахалар, Оқтепа, Қизил Шарқ, Дўмбиробод, Гулистон турар жой мавзелари, Роҳат, С.Мираҳмедов, Наққошлик, Новза Қозиробод, Фарход, Чўпон ота, Муқимий, Я.Қунала, Заргарлик кўчалари.

20 АПРЕЛ КУНИ

4-ИМ — Юнусобод мавзеси 1-19 дахалар, А.Темур, Каймаков, А.Дониш, Муродов, Юнусобод, Соҳибкор кўчалари.

21 АПРЕЛ КУНИ

3-ИМ — Чорсу, Бешёғоч, Олмазор, Беруний, Қоратощ, Б-1, Б-2, Б-3, Ц-10,11,14, Ц-26,27,28 турар жой мавзелари, Навоий шох кўчаси, Халқлар

Оқ, сарик, олтин ранг либослар кийинг. Қора, сиёҳ ранг ва жигарранг кийимларни кейинги кунларга олиб қўйинг.

ОЙНИНГ 8 КУНИДА:

— Туристтик ёки тижорат сафарига отланиш:

— иш жойи, мутахассисликни алмаштириш, янги хонадонга кўчиб ўтиш;
— кунт билан ўқиш, меҳнат қилиш;
— виждон амри билан иш кўриш, ўзингизга ва атрофдагиларга адолатли бўлишга интилиш;

— оғир дақиқаларда ёрдам сўраб дўстларга мурожаат этиш, севган куйларингизни тинглаш, турли ўйинларни эрмак қилиш тавсия этилади.

Оила даврасида ота-оналар ҳузурда кўп қолиб кетиш, йўтал, биқиндаги оғриқ ва хасталикнинг бошқа аломатларига эътибор бермасликдан ўзингизни асранг.

Дўстлиги, Абай, Ўзбекистон, Беруний, Ниёзов, ген. Узоқов, А.Хўжаев, Фуркат, Самарқанд дарбоза кўчалари.

"ТТЗ" қозонхонаси — ТТЗ-1,2,2А,4, Югнакий турар жой мавзеси, Буюк Ипак Йўли, Белоножко, Гулсанам, Аҳиллик кўчалари.

Кувурларда носозликлар бўлиши ва ёрилган жойлардан сув чиқиши мумкин бўлиб, эҳтиёт бўлишлари талаб этилади. Ноодатий ҳолатларни сезишингиз билан 133-32-32 телефонида кўнғироқ қилишингизни сўраймиз.

Куйидаги иссиқлик марказларини тўлиқ баҳорги тўхтатиш режалаштирилмоқда:

1-ИМ «Шимолий-Шарқий» — 11дан 17 апрелгача;

2-ИМ «Қорасув» — 18дан 28 апрелгача;

3-ИМ «Фарбий» — 4дан 14 апрелгача;

4-ИМ «Шимолий» — 25дан 29 апрелгача;

5-ИМ «Чилонзор» — 4дан 11 апрелгача;

6-ИМ «Жанубий-Шарқий» — 18дан 24 апрелгача;

7-ИМ «Авиа қорувчилар» — 4дан 8 апрелгача;

8-ИМ «Сергели» — 18дан 24 апрелгача;

9-ИМ «Янги Чилонзор» — 25дан 29 апрелгача;

10-ИМ «Шимолий-Фарбий» — 11дан 17 апрелгача;

ИЭМ — 18дан 22 апрелгача;
«Водник» қозонхонаси — 11дан 16 апрелгача;

«ТТЗ» қозонхонаси — 25дан 29 апрелгача;

Тўхтатиш даврида иссиқлик марказларининг юқорида кўрсатилган йўналишларидаги таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

**«МЕҲРАН САВДО» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ
2005 ЙИЛ II ЧОРАГИДА ҚУЙИДАГИ ОЗИҚ-
ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ
УЧУН ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШНИНГ
МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:**

- шакар
- сариёғ
- биринчи тоифали музлатилган мол гўшти
Тендер тақлифларини қабул қилиш ҳамда тендер ҳужжатларини бериш ҳар кун соат 9-00 дан 17-00 гача куйидаги манзил бўйича амалга оширилади:

Тошкент шаҳри, 700000, Мирзо Улуғбек тумани, А.Икромов кўчаси, 27-уй. Телефонлар: 137-14-59, 137-45-15, факс 137-14-92. Тақлифларни қабул қилишнинг охири мuddати 2005 йил 29 март, соат 17-00 гача.

Танлов асосида куйидагиларни харид қиламиз:
— хар хил турдаги ёрмалар, жумладан:
гуруч, майдаланган нўхот, перловка, гречка, ловия, мош;
— ёғдаги балиқ консервалари;
— қуюлтирилган суг.

«Тошкентшаҳаргаз» худудий газ таъминоти корхонаси назоратчи лавозимига Тошкент шаҳрида рўйхатга олинган, бухгалтер, иқтисодчи мутахассислиги бўйича олий ва ўрта-маҳсус маълумотга эга бўлган шахсларни ишга тақлиф қилади.

Мурожаат учун: Яқкасарой
туман, Бобур кўчаси 59-а қўй.
Тел.: 55-53-67

«Ёшлик» метро бекати атрофида жойлашган 3 хонали уй сотилади. Телефонлар: 45-32-08; 78-42-65.

Спорт

АВТОПОЙГАЧИЛАР БАҲС ЮРИТИШДИ

Икки кун давомида шахримиз ва пойтахт вилоятида авторалли бўйича Ўзбекистон очик чемпионати баҳслари бўлиб ўтди.

Автомобиль пойгаларида республикамизнинг олти вилояти, Тошкент шаҳри вакиллари билан бир қаторда қозоғистонлик профессионал пойга усталари ҳам иштирок этишиб, ғалаба учун кураш олиб боришди. Баҳс тўрт хил тоифадаги энгил машиналарда уюштирилди.

Натижалар сарҳисоб қилинганидан сўнг шахримиз вакиллари чемпионатда жуда яхши қатнашганликлари ойдинлашди. Хусусан, А-5, А-8, А-9 тоифадаги пойгаларда шахримиздан С.Старчиков — А.Словохотов; Ш.Жумаев — Р.Жумаев; Ғ.Азимов — Р.Бобокулов жуфтликлари ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олишди.

Фақат А-4-7 баҳсида Қозоғистон вакиллариға омад қилиб боққан бўлса-да, бу йўналишда ҳамшаҳарларимизға иккинчи ўрин nasib этди.

Клублар ўртасида эса шахримизнинг «Юнайтед моторс спорт» клуби голиб чиқди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА МАВСУМИ БОШЛАНДИ

Республика Олимпия заҳиралари коллежиде ўтказилган энгил атлетика бўйича Ўзбекистон очик чемпионати ҳамда ёшлар ўртасида мамлакат биринчилиги баҳслари ниҳосига етди.

Мамлакат чемпионати яқунларига тўхталадиган бўлсақ, Қасаба уюшмалари жамоаси энг кўп очко жамғаргани ҳолда биринчи ўринни қўлга киритди. «Ёшлик» ва «Динамо» жамоалари кейинги совринли ўринларни банд этишди.

Ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида эса вилоятлар командалари икки гуруҳқа бўлинган ҳолда ўзаро куч синашишди. Бунда биринчи гуруҳда Тошкент вилояти энгил атлетикачилари етакчилик қилишган бўлса, иккинчи гуруҳда бухоролик спортчиларға тенг келадиганлар топилмади.

Шаҳримизнинг ёш энгил атлетикачилари умумий ҳисобда 11.599 очко жамғарган ҳолда ўз гуруҳларида иккинчи ўринни эгаллашға муваффақ бўлишди. (Ўз мухбиримиз)



Баҳор келди. Бир-бирига дилдош, сирдошлар гул улашиш истагида... Зотан, чиройли очилган гулнинг ифори ҳам ҳурилик гўзалға ўхшайди...



Наталья Семёнова ва Ҳакимжон Солихов олган суратлар.

Ер юзиде 6 миллиард 200 мингдан ортик аҳоли яшаб турган бўлса, уларнинг барчасиға бериладиган «Инсон учун энг муҳим нараса нимадир» — деган саволға албатта «Соғлиқ-саломатлик» деб жавоб беришлари табиий.

Зеро, тирикликнинг барча неъматлари фақатгина хар бир инсон соғ-саломат бўлганидагина унга татийди ва фойда беради. Шундай экан, қундалик турмуш тарзимизни ана шу мезон омилли билан ўлчаб энг аввало ўзимизнинг атрофимиздаги касбдошлар, оиламиздаги азию муқаррам ота-оналаримиз, ҳаётимизда давомчилари бўлган ширин-шакар, нозикқалб фарзанду набираларимиз, яқин қариндошлар, ёру биродарларимиз соғлиғи, тинчлигини ўйлаб, келгуси зурриётларимиз учун мерос қилиб қолдирадиган атроф-табиий муҳитимизнинг экологик соғлом ҳолда сақланиб қолишини ўйлаб қадам қўймоғимиз, ўз фаолиятимизни режалли юритишимиз жоиз.

Ер юзи тараққийнинг барча ютуқларидан баҳраманд бўлишға ошиқабтган ён-атрофдаги яқинларимиз билиб-билмаган ҳолда ўзларини хароб қилаётган, хар хил гиванд моддалар, ақл тафаккурини ўғирлаётган кайф қилувчи, захри қотиллар таъсириға тушиб қолишлари энг аввало, уларнинг оддийгина қўринган тамаки маҳсулотларига ружу қўйишларидан бошланганини эътироф қилмоқ лозим.

Хозирги кунда ер юзи аҳолисини ўз домига тортган тамаки чекиш каби ярамас одатнинг тарқалиши инсоният тарихининг 3-4 минг йиллик давриға тўғри келади.

Бу ўсимлик дастлаб кўркам майса сифатида экиб ўстирилган ва кейинчалик унинг таркибидеги «никотин» моддаси таъсирида одам асаб толлаларини асоратта солиб, ёлгон хотиржамликка солувчи ва охир-оқибат мия қобиғидеги нерв толлаларини парализ қилиш эвазига «бир сониялик кайф» берувчи восита келинган. Унинг инсон учун ўта хавфли восита эканлигини сезган айрим ҳўқмдорлар яширин тамаки савдоси билан шуғулланган савдогарларни ўлим жазосига ҳўқм-қилганлар. Туркияда тамаки чекувчиларни қозика ўтказиб жазолаганлар. Эрон шоҳи Аббос сотиш учун тамаки келтирган савдогарларни гулжада қўйдирган. Тамаки чекувчи ва уни тарқатувчиларға бундай оғир жазолар берилишиға сабаб, тамаки таркибидеги захри-қотил унсурларнинг инсоният оиламиға келтирадиган оғир асоратлари ва тузатиб бўлмайдиган оғир хасталикларнинг келтириб чиқаришидир. Ахир тамаки таркибиде 1200 хилдан ортик зарарли моддалар мавжудлиги аниқ ҳақиқат бўлгани ҳолда, унинг таъсирида пайдо бўлаётган оғир хасталикларни санаб адоғиға етиш мумкинми? «Бир донда тамаки ёки бир томчи никотин отни ўлдиради» деган даҳшатли ибора бекорға пайдо бўлмаган. Бунға олим у шифокорларнинг илмий аниқлик киритишларини ҳисобға олinsa, бир томчи «никотин» бир эмас, ўч отни асфаласофинға жўнатиш қувватта эгэ экан. Фалокатнинг олдини олишға уринаётган ер юзидеги қўлаб зиёли олимлар, шифокорлар 1960 йилдан эътиборан тамаки чекишнинг зарарли оқибатлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали очик маълумотлар бериб боришмоқда. Айрим фактлар келтирилгач, унинг оқибатлари инсониятнинг қўзига барча даҳшатлари билан

намоён бўла бошлади. Чунотчи, одам бир кунда 1-9 та сигарет чекиш билан ўз умрини 4,6 йилға, 10-19 донда сигарет чекиш билан 5,5 ва ундан кўпроқ йилға қисқартиришға зомин бўлар экан. Бундан ташқари рак (саратон) билан касалланиши 15 ёшгача 5 баробар 25 ёшгача 13 баробар, ҳамда 12 баробар юрак хасталиги, 10 баробар ошқозон яллиғланиши ва 30 баробар кўп ўпка раки касаллиғиға чалиниб беа-жал ўлимға сабаб бўлар экан. Одам танасида бирорта аъзо йўқки, у тамаки таъсирида зарарланмаса. Шунинг учун ҳам унинг таъсирида касалликка чалинмаган соғлом аъзонинг ўзи қолмайди ва бутун инсон организмиде даҳшатли асоратта тушиб, қайси хил касалликка чалин-

ёнганлар содир бўлиши, беҳисоб хайқ мулки қуйиб қулға айланиши ва шундай офатлардан минглаб инсонлар, айниқса қария, касалманд ва ёш болалар нобуд бўлиб, оғир жараҳатлар олишидан келаётган қулфатлар учун жамият олдидаги гуноҳларини ким кеңириши мумкин? Ижтимоий меҳнат соҳасида банд бўлган чекувчиларнинг иш унуми чекмайдиганларға нисбатан 15-20 фоиз паст бўлиши ва ақлий меҳнат соҳасида нисбатан ақл тафаккури заифлиги, айниқса болалар ўртасида норасолик ҳўлати Германияда олиб борилган 50 йиллик қузатувлар жараёнида исботланган.

Қундалик ҳаёт тарзимиз жамоат жойлари, кўча ва хиёбонлар, маҳалла ва ишхона, ўқиш жойлари, транспорт каби аҳоли гавжум жойларда бўлишимизни тақозо этади. Ана шу покиза, манзарали, эстетик завқ оладиган жойларға сигарет қолдиқлари, қутилари ташланади, айниқса қўланса ҳўдли нос, резина сақич қолдиқлари, ту-пуриш каби ўта маданиятсизликнинг кўринишлари ҳам кўпроқ тамаки чекувчиларға хос бўлган иллатдир.

«Фалол» кашандаларинг ўзларидан кўра «пассив» яъни уларнинг ён-атрофидеги чекмайдиганлар кўпроқ азият етказишларини инобатта олганда ҳам чекувчиларға қарши жамиятдаги барча усуллар билан курашиш тақозо этилади. Чунки бангиларнинг тамакиға нисбатан «бети қалинлашиб», «гап ўқмас», тепса тебранмас, дунёни сел олса тўлиғиға чиқмас даражада ички ва ташқи дунёси ўтмаслашиб кетгани, улардан осонликка қутулиб бўлмайди. Шунинг учун жамоатчилик ўртасида чекмайдиганларға гамў-рлик кўрсатиш, ҳалол меҳнатлари ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этганлари учун рағбат-лантириш каби омиллардан фойдаланиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ҳамшаҳарлар. Президентимиз томонидан эълон қилинган Сихат-саломатлик йили чакирликларига чин қалбимиз, очик юз, пок мушоҳадамиз билан ёндошайлик ва соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишда энг салмоқли бўлган ва 100 фоиз самара беридиган тамаки, нос чекиш каби инсониятға ёт, миллатимиз гуруриға доғ бўлиб тушадиган ярамас илатлардан тезроқ қутулайлик, унға ружу қўйганларни хар қадамда оғоҳлантйрайлик, уялтириб, инсофға чакйрайлик. Энг аввало атроф-муҳит мусоф-фоллиға ва муҳофазасиға масъул бўлган экологларимиз, шифокорларимиз қорхона ва ташкилот раҳбарлари, маҳалла оқсоқолларининг чекишларига барҳам берайлик. Нокўнуний жойларда тамаки сотувчиларни жилловлайлик. Одамлар гавжум жойларда, бозорлар, йиғинларда, шифохона, ўқув маскани, болалар боғчалари худудларида кенг жамоатчилик ўртасида чекишни таъқиқлашға эришайлик ва ўзимизнинг намунали хўқимиз ва ибратли турмуш тарзимиз билан бошқаларға ўрнак бўлайлик.

Агар инсонлар тамаки чекиш, гивандлик таъсиридан қулгусалар соғ-саломат, қувончли, ҳаётбахш лаҳзалар оғушида узок умр кўриб, файзу бақадотли ҳаёт кеңиришға лойиққидрлар деган арақидега амал қилайлик.

Абдулмуқит АБДУХОЛИҚОВ,
Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси катта давлат нозир.

Кашандалик — имат
ЧЕКИШ ҲАМ ЭКОЛОГИК МУАММО

Азиз юртдошлар! 2005 йилнинг Президентимиз томонидан Сихат-саломатлик йили деб эълон қилинишида чўкур ижтимоий, фалсафий, иктисодий, маънавий маънолар борки, унинг муҳиятини ўзига бефарқ бўлмаган фуқаролар ақл тафаккури тарозисидан ўтказмоғи ва шунға яраша ҳаёт тарзини танлаб яшамоғи лозим.

гани-ю, уни қандай усул билан даволаш лозимлигининг ўзи ечилмас муаммоға айланади.

Бир кунда чекиладиган сигаретлар сони	Ўлим даражаси (100 минг аҳоли ҳисобидан)
0,5 қўти	95,2
0,5-1 қўти	107,8
1-2 қўти	229,2
2 тайдан ортик қўти	264,2
чекмайдиганлар	12,8

Биргина АҚШ мамлакатининг Флорида штатида 500 минг чекувчи (уларнинг ақли тезроқ қирган бўлса керак) кейинги йилларда 2 та тамаки фирмаси (Филипп Моррис ва Марлбор) тамакисидан касалликка чалинганлари эвазига 300 миллиард доллар микдориде товон тўлаш ҳақида даъво қўзғатилган. Бунға қўшимча давлат томонидан 200 миллиард доллар чекувчиларни даволаш учун сарфланган харажатларни ҳам қоплаш ҳақида қўшимча киритилган.

Хозирда болаларнинг тарбиясида моддий ва маънавий етишмовчиликлар, фалол чекувчилар таъсиридан зарарли ибрат олаётган болалар ўртасида тамаки чекишнинг кўпайиб бориши жамият олдидаги энг оғир хавф-хатарлардан биридир. Чунки чекиш иллатининг азобини ҳали татиб улгурмаган ўсиб келаётган авлоднинг тамаки таъсириға тушиб қолиши, биринчидан улар организмиде бангилликдан келиб чиқадиган турли хил касалликларға тезроқ чалиниши ва асорати оғир кечиси қузатилса, иккинчидан уларнинг бошқа гиванд моддалар истеъмо қилишиға боғланувчанлик кўникмасини оширади. Учинчидан ёш болалар кўпроқ тақлидчилик ва гурурга берилганлиги тўғрисида уларнинг тамаки ва наркотикларға қизиқувчанлиги ортади.

Чекувчилар дастидан хар йили юз минглаб

Муассис:
Тошкент шаҳри ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ақмал АКРОМОВ

Манзилми: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ обрест усулида босилади.
2812 нусхаш босилади. Қўроз бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқмайди.
Навр қўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимлариға ёки «Тошкент почтаманга» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишимиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос асияқдорлик компанияси бошқармаси.
Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.